

Замонавий янги инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш таълим –тарбия сифат ва самарадорликни оширишнинг омили.

**Андижон вилояти ПХҚТМОИ ректори,
п.ф.н. дотцент. М.Абдуллаева**

Бола тарбияси инсон ҳаётида ҳамиша муҳим иш бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ўз фарзандини келажакка муносиб қилиб тарбиялай олмайдиган инсон, камолатга етказа олмайдиган жамият ҳеч қачон ривожланмайди.

Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз таълим тизимида ўтказилаётган ислохатларнинг ҳам боиси шу жамият тараққиётида ёш авлод тарбиясининг муҳимлигидир. Мен,-дейди юртбошимиз Ислон Каримов,-Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт,-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир” деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк инсонпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Юртбошимизнинг бу фкирларидан кўриниб турибдики, жамият тараққиётида кишиларнинг билими, тушунчасини ўзгартирмай туриб мамлакатда кўзлаган мақсадга эришиб бўлмайди. Дунёдаги ривожланган давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатни ривожлантиришнинг энг зарур йўли – бу фан ва техникани ривожлантиришдир. Таълимни ривожлантириш эса фан – техникани асоси ҳисобланади. Шунинг учун Президентимиз таълим соҳасида катта ислохот қилиш ташаббусини бошлади. Демак, илмий - техник тараққиёт саноат соҳасида, тиббиётда ва бошқа халқ хўжалиги соҳаларида кенг жорий қилинаётган экан, буни фан-маданият, ижтимоий-гуманитар соҳасига ҳам шунингдек, замонавий янги-инновацион технологияларни таълим-тарбия соҳасига ҳам жорий этишни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Ҳозирги кунда янги инновацион педагогик технологияларни илмий-назарий асосларини ўрганиш ва уларни таълим-тарбия жараёнларига тадбиқ этиш зарурияти шунинг учун долзарб масалалардан бирига айланмоқдаки, амалдаги анъанавий ўқитиш тизими ўз фаолиятини анча йўқотди, яъни қуруқ оғзаки сўзлар ёрдамида ўқитиш яхши самара бермаяпти.

“Педагогик технология” тушунчаси нимани англатади? Технология тушунчаси юнонча “технос” – “хунар” , “логос” – “фан” сўзларидан таркиб топган бўлиб, “хунар фани” деган маънони англатади. Бу тушунча “Ўзбек тилининг луғати” (М., 1981 йил, 2 том 169-бет)да қуйидагича изоҳланади: “Технология – (Грек) ишлаб чиқаришининг соҳасида материалларга ишлов бериш ёки қайта ишлашда қўлланадиган усуллар мажмуаси”, Одатда, самарали технологияларни қўллаш янги сифат ва миқдор ўзгаришларга олиб келади. Технолагияларнинг бу хусусияти педагогик технологик жараёнига ҳам бевосита алоқадордир. Педагогик жараёнда такрорланувчи, қайтариувчи циклни яратиш мураккаброқ кечади. Чунки ўқитишнинг

мақсади, таълим вазифасининг мазмуни, ўқув материалларнинг хилма-хиллиги, билиш фаолияти, ўзлаштириш даражаси ўқувчининг индивидуал хусусиятларига кўп жиҳатдан боғлиқлиги каби ҳолатлар маълум қийинчиликларни туғдиради. Лекин таълим-тарбия жараёнида муваффақиятга эришиш учун бу қийинчиликларни инобатга олган ҳолда педагогик технологиянинг қайтарувчи – такрорланувчи алоқасини яратиш зарур бўлади.

Педагогик технология, хусусан, янги, инновацион пед технология тушунчаси бўйича маълум хулосалар қилишимиз мумкин. Таълим-тарбия тизими бир – бири билан узвий боғланган бир неча таркибдан ташкил топади:

1. Шахс (ўқувчи);
2. Таълим (тарбия) мақсадлари;
3. Таълим (тарбия) мазмуни;
4. Дидактик (тарбиявий) жараён;
5. Ташкил этиш шакллари;
6. Педагогик услублар ёки технология;
7. Ўқитувчи (тарбиячи);

Ҳозирги кунда таълим-тарбия амалиётида педагогик технология ларни хилма-хил, жуда кўплаб туридан фойдаланиб келинмоқда. Самара бераётган технологиялардан баъзиларини келтириш мумкин.

- компьютерли – ахборот технологияси;
- модуль технология;
- диагностик технология;
- мультимедиа технология;
- интерфаол усулли технология;
- муаммоли ўқитиш технологияси;
- дастурли таълим технологияси;
- мустақил таълим технологияси;
- билимни баҳолаш технологияси;
- дифференциаллаш технологияси;
- масофадан ўқитиш;
- билимини баҳолаш технологияси;
- тарбияланганлик даражасини аниқлаш технологияси;
- педагогик ҳамкорлик технологияси;
- педагогик ўйин технологияси;
- муаллифлик технологияси;
- бошқарув технологияси ва бошқалар.

Таълимга технологик ёндашув тарафдорларининг фикрича, инновацион таълим технологиясининг ўзига хос томонларидан бири – педагогик жараёнда таълим олувчилар фаоллигининг кескин ортиши ва аксинча,

таълим берувчи фаоллигининг сусайиши билан характерланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, ўқитишнинг якуний натижаси дарс берувчининг педагогик маҳоратига унча боғлиқ бўлавермайди. Илмий жиҳатдан асосланган, мукаммал лойиҳаланган таълим технологиялари бўйича ҳар бир ўқитувчи “аъло” бўлмаса-да “яхши” дарс бера олади, бир хил натижага эришаверади.

Юқоридаги фикрни эътиборга олган ҳолда, бутун педагогик жараённинг бошқарувчиси, ўқувчи билиш фаолиятининг ташкилотчиси, беминнат маслаҳатчиси, якуний ўқув натижасига эришишнинг йўлловчиси – ўқитувчи – устознинг педагогик фаолиятини инновацион таълим технологиялари тизимида оддий кузатувчи сифатида қараш тўғри бўлармикан? Ўқитувчининг ижодий педагогик фаолияти инсон онги, ҳуққини шакллантиришга провард натижа – баркамол инсонлар авлодини яратишга бўйсиндирилган вазифаларни ижобий ҳал қилиш жараёнидир. Шу нуқтаий назардан, ҳар қандай педагогик тизимда, хусусан, инновацион таълим технологиялари тизимида ўқитувчи-устоз педагогик фаолиятига эътиборсизлик, чеклаш сусайтириш самарага олиб келмайди. Аксинча, ўқитувчи фаолияти қанчалик фаоллашса, таълим олувчиларнинг ҳатти-ҳаракатлари қанчалик ижодий, қизиқарли, истикболли ташкил эта олинса, албатта, қўлланилаётган таълим технологияларининг самарадорлиги ортади. Лоиҳалаштирилган ўқув мақсадлари осонроқ амалга ошад, кутилаётган натижага тезроқ эришилади. Бу фикрдан келиб чиқиб:

- Инновацион таълим технологияси тизимида ўқитувчининг ўрни ва вазифалари аниқ белгиланиши зарур;
- таълим жараёнини технологиялаштирувчиси, ўқув мақсадларининг лойиҳачиси, муаллифи;
- ўқитувчи янги касбий лавозим – “ўқитувчи-технолог”, “педагог технолог” даражасига кўтарилиши керак;
- “ўқитувчи - технолог” махсус били, кўникма, малакаларга эга бўлишлари керак;
- “ўқитувчи технолог”нинг педагогик жамоа ўртасида нуфузи, салоҳияти ортирилиши, маънавий, моддий манфаатдорлигининг таъминланиши бўйича аниқ тадбирлар амалга оширилган бўлиши зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқори даражадаги умумий-касбий маданиятга, ижтимоий фаолликка, мустақил фикрлашга, ўз вазифаларини қийинчиликсиз ҳал қила олиш қобилиятига эга бўлган етук мутахассисларни тарбиялаш учун бугунги кунда педагог – ўқитувчиларимиз, замонавий янги инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишлари таълим – тарбиянинг сифати ва самарадорлигини оширишнинг асосий омили эканлигини давр талаб этаётганлигини тушуниб етишлари даркор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1998. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997.
3. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.–Т.: Шарқ, 1997.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
5. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.: ТДПУ, 2004.
6. Йўлдашев Ж. Ғ. “Янги педагогик технология йўналишлари, муамолари, ечимлари”, “Халқ таълими” журнали, Т., №4 1999 йил.
7. Назарова Г.С. Педагогические технологии – этап эволюции., журнал “педагогика”, №3 1997 год
8. Саидахмедов Н. “Янги педагогик технологиялар”, Тошкент. 2003 йил.
9. Мадумаров Т. Камолдинов М. Инновацион педагогик технология асослари ва уни таълим-тарбия жараёнида қўллаш: услубий қўлланма / Т.: “Талқин”, 2012.-144б.